



### ФАХРИЁР: “ТИЛНИ ЗЎРИҚТИРИБ БЎЛМАЙДИ”

*Сўнгги йиллари мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга бўлган эътибор Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ривожланган мамлакатлар орасида ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларини йўлга қўйишда тил асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай хорижий тилни ўрганиш она тилга бўлган муносабат билан белгиланади. Ўз тилини яхши билган, уни ҳурмат қилган, она тилининг софлиги, ривожини учун қайғурадиган киши хорижий тилга ҳам шундай муносабатда бўлади. Истеъдодли шоир, моҳир таржимон Фахриёр (Фахриддин Низом) билан суҳбатимиз шу мавзулар атрофида кечди.*

– Фахриддин ака, ҳар бир миллатнинг ривожланиши, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишида тил муҳим коммуникация воситаси ҳисобланади. Шоир ва таржимон сифатида бу масалада фикрингизни билмоқчи эдик.

– Бугунги ахборот ёки коммуникация асри деб аталаётган замонда ҳар бир миллатнинг тараққиёти, унинг сиёсий ёки иқтисодий соҳалардаги муваффақиятлари дунёдаги ўзидан бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашуви тезлигига ҳам боғлиқ. Бу масалада тил бошқа коммуникация воситаларидан кам роль ўйнамайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида инглиз тилини бошланғич синфлардан бошлаб ўргатишга эътибор қаратилгани айтилиши шу талабдан келиб чиқади ва яқин йилларда натижалар беришидан умидвормиз. Инглиз тилини пухта

ўзлаштириши ахборот алмашувини жадаллаштиришимизда мислсиз имтиёзлар беради.

Шу ўринда битта мисол келтиришни жоиз деб биламан: Америкада ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга оид бир китоб чиқди, дейлик. Расмий тили (ёки тилларидан бири) инглиз тили бўлган Ҳиндистон, Малайзия сингари мамлакатларда у ўқувчи қўлига кўпи билан бир ой ичида етиб боради. Ўртада муаллифлик ҳуқуқини олишдан бошқа ҳеч қандай тўсиқ йўқ. У бизга етиб келиши учун муаллифлик ҳуқуқини олиш, таржима ва наишр ишлари билан боғлиқ жараёнлар камида бир йилга чўзилиши мумкин. Бу вақт мобайнида бугунги жаҳон бозорини эгаллаб олган Apple ва Samsung компаниялари гаджетларининг 1-2та янги авлоди пайдо бўлади ва биз битта китоб таржимасини кутиб, шунча кеч қоламиз.

**– Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг ортишига дунё фан-техника соҳасида кечаётган ўзгаришлар, замонавий технологияларнинг мислсиз тез суратда ривожланиб бориши сабаб бўлаяптими ёки бошқа омиллар ҳам борми?**

– Канадалик коммуникация назарияси файласуфи Маршалл Маклуэн (1911-1980) “глобал қишлоқ” (“global village”) атамасини кашф қилганига ҳам ярим асрдан ошди. Ўшандан бери коммуникация технологиялари соҳасида эришилган инқилоб дунёни янада торайтириб, бир қишлоққа айлантириб қўйди, десак муболаға бўлмайди. Бугун дунёнинг исталган қитъасидаги танишингиз билан сониялар ичида боғланишингиз, унга э-почта хабарлари, SMS, MMS ва бошқа хабарларни юборишингиз, қабул қилишингиз, исталган суратингиз, матнингиз, видео файлингизни ижтимоий тармоқлардаги дўстларингиз билан алмашишингиз мумкин. Ёки оммавий ахборот воситаларини олайлик. Етакчи “ахборот империялари” (“news empires”, Associated Press, France Presse ва ҳоказо) ёки телеканаллари (CNN, BBC, DW ва бошқалар) дунёнинг исталган кунжагида рўй бераётган воқеа ҳақида ё жонли тарзда, ё кўпи билан бир соат ичида хабар тарқатади, репортаж беради.

Бундан таишқари, глобаллашиб бораётган дунёда ўша оммавий ахборот воситалари таъсирида сайёҳлар сони – жумладан, Ўзбекистонда ҳам – йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси тил билишга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириши табиий. Шунинг учун тил марказлари, юксак малакали репетиторлар ва олий ўқув юртларининг чет тили факультетларига ўқишга киришга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, бугун дунёга чиқиш эшиклари очиқ бўлгани боис ҳар бир киши саёҳат қилиш, меҳнат миграцияси жараёнида тил билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда. Бинобарин, келгусида тил ўрганишга бўлган эҳтиёж янада ортиб боради.

*Тўзри, кейинги пайтларда пайдо бўлаётган электрон таржимонлар гапирган гапингизни матнга айлантириб, бошқа тилга таржима қилиб бера олади. Бироқ ундан, дейлик, қурилиш ёки бошқа бирор тор ихтисослик соҳасида фойдаланиш қийин. Шунинг учун ҳар қандай мукаммал электрон таржимонлар пайдо бўлмасин, тил ўрганишига бўлган эҳтиёж ҳеч қачон камаймайди.*

*Одам қанча кўп тил билса, шунча яхши.*

**– Баъзи хорижий тил мутахассисларидан, қайси тилда фикрлашини сўраганимизда, кўпчилиги ўрганган тилини айтади. Фикрлашда тил ҳам роль ўйнайдими? Масалан, сиз инглизча фикрлайсизми ёки ўзбекча?**

*– Албатта, роль ўйнайди. Бу тилни қай даражада мукаммал билиш билан боғлиқ. Баъзи кишилар гапирётганда бошқа тил сўзларини қўшиб ишлатаётганига ҳеч эътибор берганмисиз? Бунинг у атайлаб қилмайди. Ўша сўзларни у қайси тилда гапирётган бўлса, ўша тилда ўрганган. У фикрларини ифодалаш учун мос сўзларни қидирганда “арсенали”дан ўша тилдаги сўзнинг ўзбекчасини топишга қийналади. Бу бошқа тилда фикрловчи кишиларга ҳам тегишли. Улар тил ўрганаётган пайтда асосий эътибор ва вақтини ўша тилга қаратгани учун ўша тилда фикрлай бошлаши ҳам мумкин. Лекин бу унинг ўша тилни она тилидай ўзлаштириб олди, дегани эмас.*

*1997 йили биз, бир гуруҳ ўзбек журналистлари Шимолий Атлантика ҳарбий блокнинг Брюссель шаҳридаги бош қароргоҳига таклиф қилиндик. Ўшанда гуруҳимизга таржимонлик қилган таниқли рус ёзувчиси Леонид Андреевнинг набираси, рус, инглиз ва француз тилларидан синхрон таржима устаси Александр Андреевдан худди шу саволни сўраганимизда, қайси тилни она тилим дейишга қийналаман, деб жавоб берган эди. Балки унинг таржимонлик фаолиятида учала тилни ҳам яхши билгани, учала тилда ҳам бирдай фикрлай олгани учун бунинг аҳамияти йўқдир. Лекин бу – унинг субъектив фикри. Сабаби, бир мамлакатдан иккинчисига эмиграция қилган шоирларнинг бошқа тилда шеър ёза олмаслигига мисоллар жуда кўп. Масалан, И.Бродскийнинг инглиз тилидаги эсселарини маза қилиб ўқиш мумкин, лекин у ўша тилда ёлчитиб шеър ёза олмади. Шунинг учун бошқа тилда фикрлаш – нисбий тушунча. Унга мутлақ ҳақиқат, деб қарамаслик керак. Мен ўзимни қанчалик инглизча фикрлайдиган қилиб кўрсатишга уринмай, барибир у она тилнинг ўрнини боса олмайди. Икки тилда фикрлаб, икки тилда бирдай ёза олиш – жуда ноёб ҳодиса. Бунинг учун одам икки тил муҳитида ўсган бўлиши шарт ва шунга яраша шарт-шароит керак бўлади.*

**– Бундан бир неча йиллар аввал Хиллари Клинтоннинг сиз таржима қилган китоби кўлимга тушиб қолди. Шунгача Фахриёрни фақат шоир**

**сифатида танирдим. Таржима билан қачондан жиддий шуғуллана бошлагансиз?**

– Мен Хиллари Клинтоннинг “*It Takes a Village*” (тўлиқ номи – “*It Takes a Village to Raise a Child*” – “Бир бола тарбиясига бутун қишлоқ масъул”) китобини “Бир болага етти маҳалла ота-она” номи билан 1997 йили унинг Ўзбекистонга сафари олдидан таржима қилган эдим ва у Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабалари билан учрашув чоғида муаллифга тақдим этилган. Албатта, таржима жуда шошилинч – бор-йўғи бир ойда бўлгани учун анча-мунча камчиликлари бор. Агар уни қайта нашр қилиш керак бўлса, ўша камчиликларни бирма-бир тузатиш ниятим йўқ эмас.

Умуман, таржимонлигимга келсак, мен бу ишга болалигимдан қизиқаман. Бу иш билан профессионал даражада шуғулланаётганимга ҳам 20 йилдан ошиб қолди. Лекин, афсуски, шароит тақозосига кўра, бадиий таржима билан кам шуғулланяман. Икки-уч йил олдин замонавий Америка ёзувчиларининг уч-тўртта ҳикоясини, шоирларининг шеърларини, бошқа миллатлар ёзувчиларининг бир-икки асарини ҳисобга олмаганда, айтарлик иш қилганим йўқ. Ҳозирги пайтда ахборот технологиялари соҳасидаги жуда катта таржима лойиҳаларида қатнашаётганим учун бу ишга вақтим кам қоляпти. Лекин бу таржималарнинг халққа тегадиган фойдаси бадиий таржималарникидан кам бўлмаса керак. Компьютер, замонавий смартфонлар, планишетлар таъминот дастурларини ўзбекчалаштириш ҳам керак-ку. Лекин бир кун келиб бадиий таржима билан жиддий шуғулланишни ният қилиб қўйганман.

**– Ижодкорга таржима билан шуғулланиш нима беради? Ҳар ҳолда турли экспериментлар, услублар ижодкор ўзлигига таъсир қилмайдими? Умуман, ижодкорга таржиманинг қандай фойдали жиҳатлари бор?**

– Таржима ижодкорга жуда кўп нарса беради – бошқача фикрлашга ўргатади, ижод қилаётган тилнинг имкониятларини кенгайтиради, чунки ўзга тилда фикрлаш тарзи бошқача, тил руҳияти бошқача. Бадиий адабиётни ўша тилда ўқиётганда тафовутлар унча сезилмаслиги мумкин. Лекин таржима – оғир иш. Ўша бегона ҳаёт тарзи, унинг тилиннга хос бўлмаган гап қурилишию ифода тарзини ўзбекчада қайта яратиш осон бўлмайди. Адекват таржима қилиш учун айрим устоз таржимонлар ўргатаётган “шу ўринда ўзбек нима деган бўлар эди” қабилида иш тутиш ҳар доим ҳам ўзини оқламаслигини аччиқ тажрибамдан биламан. Чунки тили, дини, қадриятлари, инсоний муносабатлари бутунлай сенга нотаниш муҳитда шаклланган кишининг кечинмаларию дунёқарашини фақат ўзбекка хос қилиб тасвирлаш унчалик тўғри эмас. Масалан, христианларда “литургия” маросими бор. Эрталабки ёки туш пайтидаги диний маросим бўлиб, унда ибодат қилинади, диний қўшиқлар

куйланади, китоблар ўқилади ва маросим билан боғлиқ бошқа амаллар бажарилади. Кўпчилик гарблик таржимонлар фақат ислом динига хос жума намозини ана шу атама билан таржима қилишга ёки тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўхшашлик билан тушунтириши яхши, лекин мазкур атама билан таржима қилиши ўзини қанча оқлайди? Мен бундай атамаларни бор ҳолича изоҳ билан бериши тарафдориман.

Таржиманинг экспериментларга таъсири ҳақида гапирсак, ҳамма таржимон ҳам эксперимент қилади, деган фикр унча тўғри эмас. Албатта, таржима билан эксперимент ўртасида муайян боғлиқлик бор. Мен “эксперимент эксперимент учун” деган ақидага таяниб иш тутуши дуруст эмас, у таржима объекти бўлган тил таъсирида миллий адабий тафаккур имкониятларини кенгайтириши эҳтиёжи бўлиши керак, деган фикрдаман. Эксперимент олифталикдан эмас, тилда ишлатилавериб, сийқаси чиқиб кетган иборалар ва фикрлаш тарзини янгिलाши эҳтиёжидан келиб чиқади. Францияда XIX асрда верлибрнинг пайдо бўлиши Эмил Верхарннинг инжиқлигидан эмас, ўша пайтда вужудга келган қофия таназзулидан бошланган эди, чунки француз тилида ҳам худди ўзбекчадагидек урғу сўзнинг охириги бўғинига тушади ва бу шоирнинг шеърга ижодкорона ёндашуви имкониятларини чеклайди.

Шу маънода таржима жараёни таржимонга жуда кўп нарса ўргатади. Г.Г.Маркес уни “энг яхши ўқиши воситаси” деб атаган эди. Таржимон ҳар битта сўзни таржима қилишга мажбур бўлгани учун асарнинг баъзан ўқувчи илғай олмайдиган нозик жиҳатларини ҳам илғаб олиши ва уни ўз тилида қайта яратишга мажбур.

**– Мустақилликка қадар жаҳон адабиёти намуналарининг аксарияти ўзбек тилига билвосита таржима қилинган. Эндиликда бундай асарларни бевосита таржима қилиш бўйича ҳам муайян тажриба тўпланди. Сиз эса ҳам бевосита, ҳам билвосита таржима билан шуғулланасиз. Сўнгги йиллардаги ишларингизда аслиятдан таржималар кўпроқ. Таржимон сифатида уларнинг фарқини ўзингиз қандай изоҳлайсиз?**

– Илгари собиқ иттифоқнинг чекка ўлкаларида тил ўрганиши масаласида муайян чекловлар мавжуд эди. Унга барҳам берилганига 20 йилдан ошиб кетганига қарамай, ўша даврдаги инерция билан жаҳон адабиёти дурдоналари ҳали ҳам рус тили орқали таржима қилинмоқда. Тўғри, бошқа тилларни рус тили даражасида билишимиз учун ҳали анча вақт керак бўлади, лекин бу қўл қовуштириб ўтиришимиз керак дегани эмас-ку. Ижодкорлар орасида чет тилларни ўрганишга қизиқувчилар кам. Фақат олий ўқув юртларининг мутахассислари ушбу бўшлиқни тўлдириб, ўзбекчадан бошқа тилларга ҳам таржима қилишга уринмоқда. Буни фақат қутлаш керак, бироқ уларнинг

бадий таржимага қанчалик уқуви бор? Қолаверса, улар ўша ўзбекча асар таржима қилинаётган тилни тил эгасичалик яхши биладимиз?

Бевосита таржима ҳақидаги саволингизга қайтсак. Тасаввур қилинг, испанча ёки французчадан таржима қилаётган рус таржимони ҳар бир гапга адекват таржима ахтариб, ўз тили иборалари, мақоллари, сўз оборотларидан фойдаланади ва оқибатда улар энди испанча ёки французча бўлмай қолади. Қандай қилиб, ўша гапларни испанчадан таржима қилингандек жаранглатиш мумкин? Шахсан мен бунга ишонмайман. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Инглиз ёки француз тилини зўр биладиган, ўша ёқларда ўқиб, тажриба орттириб келган мутахассиснинг ўзбекчага ўгириш уқуви бўлмаса-чи? У таржима қилаётган асар ўзбекча алмойи-жалмойи тағлама бўлиб қолмайдими? Техник таржима матнларини таҳрир қилган пайтим бундай ҳолатларга кўп дуч келаман.

Ўзимга келсак, жаҳон адабиётининг айрим намуналарини (масалан, Пабло Неруда шеърлари, Ясунари Каватаба ва озарбойжон ёзувчиси Анорнинг ҳикояларини) рус тили орқали таржима қилганман. Лекин барибир аслиятдан таржима қилишнинг ўрни бошқача.

**– Билишимизча, сиз илмий адабиётлар таржимаси билан ҳам шуғулланасиз. Бу ижодкор учун осон иш эмас. Бундай таржималарга ўзингиз хоҳлаб қўл урасизми ёки зарурат туфайлими?**

– Йўқ, мен илмий адабиётларни эмас, дунёнинг етакчи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи корпорацияларнинг компьютер, смартфон ва планшетларга мўжжалланган таъминот дастурларини ўзбекчалаштириш лойиҳаларида қатнашяпман. Тўғри, бу жараён зарурат юзасидан кечмоқда. Лекин қилаётган меҳнатинг миллионлаб ватандошларининг янги техника ва технологияларни ўзлаштиришларида ёрдам бераётганидан қувонмай бўлмайди. Фақат инглиз каломшунос олими, шайх Тимоти Уинтернинг (Абдулҳаким Мурод) “XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш” деган диний-фалсафий китобини таржима қилган эдим.

**– Сўнгги пайтларда миллий матбуотимизда турли тиллардан таржима қилинаётган асарлар кўпайди. Аслиятдан таржима сифатида бундан қувониш керакми ёки...? Чунки асарнинг моҳияти, тил хусусиятлари, ёзувчи услуби сингари бадиият талабларига жавоб бериш керак бўлган масалалар бор. Бундай таржималарни кузатиб борасизми?**

– Афсуски, уларни тўлиқ кузатишга вақтим бўлаётгани йўқ. Айрим таржималарни ўқиб, тўғриси, ҳафсалам пир бўлади. Бунақа таржималар аслиятдан қилинди нимаю, билвосита бажарилди нима?

Бадиий таржиманинг ўзига яраша талаблари бор, ахир. Таржимон истасамасам, таржима қилаётган асарининг бадиий услубини сақлашга, унга адекват (муқобил) бўла оладиган ўзбекча асар яратишга мажбур. Қўлидан келмаса, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилмай бошқа иш билан шуғуллангани маъқул. Бугун қимирлаган одам оч қолмайди.

**– Бугунги матбуот тили сизни қониқтирадими?**

– Йўқ, қониқтирмайди. Тилимиз сохта журналистика тили, шунингдек, рус тили ва бошқа тиллардан таржима қилиш ёки шуларга уринишлар оқибатида жуда катта синовни, ҳатто айтиш мумкинки, майиб қиладиган даражадаги зўриқишни бошидан кечирмоқда. Мана, масалан, рус ва инглиз тилларининг таъсирида кераксиз ўринларда ҳам мажхуллик нисбати ишлатилишига ёрқин бир мисол: “Президентимиз томонидан имзоланган”. Нима, шуни “Президентимиз имзолаган” деса биров уришадими ёки журналистнинг асакаси кетиб қоладими?

Афсуски, бу ҳол ҳатто расмий нутқлар ва ҳужжатлар тилига ҳам (қонунлар, қарорлар) ҳам кириб борди. Ёки ҳаор хил телеканалларнинг бутун миллатга ўртак бўлиши шарт бўлган ахборот дастурлари тилини таҳлил қилиб кўринг – уялиб кетасиз. Журналистлар “молхоналарга таширф буюрмоқда”, кимларнидир “Ўзбекистонга расмий таширф билан келтирмоқда”, ёки “давлат” билан “мамлакат” сўзларининг фарқига бормай қўллайпти. Бу ҳам майли. Бир куни нонушта қилаётиб, “Ёшлар” телерадиоканалида ҳайвонот оламига бағишланган ҳужжатли фильмни кўриб ўтириб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим: кадр ортидан диктор “эркак эчки”, “урғочи эчки” деб гапиряпти. Бу халққа нисбатан ҳурматсизлик эмасми?! Журналист гўрдир, “андак бадхатроқдир”, лекин ўша кўрсатув охиридаги титрга қаранг, тиркалмаган фамилия қолмайди.

Бир вақтлар анча-мунча эпақага келиб қолган адабий-бадиий нашрлар тилини кўриб, дод дегинг келади, уларда ҳатто оддий имло қоидаларига ҳам риоя қилинмайди. Ёзувчи билан шоирки тилни эъзозлама, фикрини эплаб айта олмаса, бошқалардан нима кутиш керак?

**– Шеърларингизни хорижий тилларга кимлар таржима қилган?**

– Шеърларим рус, қозоқ, озарбойжон, турк, хитой, инглиз, болгар ва уйғур тилларига таржима қилинган. Таржимонлардан кўпчилигининг исмини билмайман. Фақат шеърларимни рус тилига таржима қилган таржимонлар – Санжар Янишев, Вадим Муратханов ва Герман Власовни шахсан танийман. Бу таржимонлар нафақат мазмунни, балки оҳанг, ҳижо, қофия тизимини ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қиладигани учун шеърларим рус тилида ҳам бошқача жарангламоқда. Ҳатто шоир дўстимиз Вафо Файзуллонинг бир шеърини

*Герман Власов русчага ўгиргандан сўнг уни бир рус хонандаси қўшиқ қилиб айтганидан ва у хит бўлганидан хабарим бор.*

**– Инглиз тилида ҳам шеър ёзиб кўрганмисиз?**

*– Йўқ, мен бошқа тилда шеър ёзишга уриниб кўрмаганман ва бунинг кераги йўқ, деб ўйлайман. Балки қаттиқ уриниб кўрилса, бирор натижа чиқиши мумкиндир, лекин барибир ўзбек тилидагидек жаранглаши қийин. Эҳтимол, бошқа тилда мақола, насрий асар ёзиши мумкиндир, лекин шеър ёзиши осон иш эмас.*

*Бир кун келиб, инглиз тилини она тили даражасида биладиган бирор ватандошимиз миллий фольклоримиз ва адабиётимиз, қолаверса, тасаввуфий қараш ва тутимларни жаҳон адабиётининг илғор тажрибалари билан синтез қилиб, ўзбекни дунёга танитадиган асарлар, жумладан, шеърлар ҳам яратар. Абдулла Қаҳҳор сингари ишончим қатъий бўлмаса ҳам, умидим бор.*

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Назира ҚУРБОН суҳбатлашди.**